

Куннинг муҳим воқеалари

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар сарҳисоби ва келгуси йил учун устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
FARMONI


Президентимиз «Экология ва туризм соҳаларида аҳоли талабларига тезкор жавоб бера оладиган бошқарув тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
QARORI

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатларга асосан, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги негизида Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ташкил этилди. Қўмита Вазирлар Маҳкамаси тизимидан ташқарида бўлади. Азиз Абдуҳакимов Президент маслаҳатчиси – Экология қўмитаси раиси этиб тайинланди. Туризм қўмитаси эса экология органи таркибидан чиқарилди.



Қуйидаги QR код орқали
мазкур ҳужжатлар
матни билан батафсил
танишинг:



YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA
BIRLASHAYLIK!

Ishonch

Gazeta 1991–yil 21–martdan chiqarib boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

2025-yil,
20-noyabr,
payshanba
№145
(5209)

ҚАНЧА ШОНИНГ БЎЛСА – ВАТАННИ КЎТАР!



«Яна-яна»ларни яна ва яна давом эттириш мумкин. Ютуқлар оз эмас. Сирдарёни обод қилиш учун бир тану бир жон бўлиб, тер тўқаётганларнинг шиддат-шижоати эса ҳаммасидан баланд, ҳаммасидан ҳавасли. Шундай лаҳзаларда, беихтиёр яна

оташқалб, дилбар шоира опамиз Ҳалимаҳоним Худойбердиевнинг:

– Қанча шонинг бўлса – Ватанни кўтар! – деган ҳайқириғи шахру қишлоқлар оша дашту далаларда акс-садо бераётгандек туюлаверади. Ва сен ҳам қан-

дай қилиб шоиранинг даъватларига қўшилиб кетганинги сезмай қолсан:

– Қанча шонинг бўлса – Ватанни кўтар!

2-3-саҳифаларда ўқинг →

1211 сизни эшитади...

МУАММОЛАРГА ЕЧИМ – «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»



– 2022 йили ким ошди савдоси орқали ер майдони сотиб олдим. Аммо уч йилдирки, еримдан бошқа шахс фойдаланиб келади, – дея ҳикоя қилади 1211 рақамли «Ишонч телефони»га Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидан сим қоққан Ш.Ибрагимова. – Ер солиғидан қарздорлик эса менга келди. Бу ҳақда ўша шахсга айтсам, «Қаерга борсанг бор, солиқни мен тўламайман», деди. Шу адолатданми?

Мурожаатчининг таъкидлашича, у ижара-рачидан ерни қайтариб олишга қўп ҳаракат қилган, аммо режаси амалга ошмаган. Орада бир неча маротаба қарздорлигини ундириш ҳақида огоҳлантирув хати келган.

Аёл ёрдам сўраб, аввал туман ҳокимлигига, кейин Фермерлар уюшмасига бош уриб борган. Лекин натижа бўлмаган.

Ш.Ибрагимованинг Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг 1211 рақамли «Ишонч телефони»га йўллаган мурожаатидан сўнг масала ижобий ҳал бўлди, яъни солиқдан қарздорлик сўндирилиб, фуқаронинг ери ўзига қайтариб олиб берилди.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»

Сирдарё тумани соғлиқни сақлаш бўлими ходими Алишер Усмоновга қонунчиликда белгиланган меъёрдан кам миқдорда маош тўлаб келинган. Шу боис у амалий ёрдам сўраб, Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Сирдарё вилояти бўлимига мурожаат қилди.

Шикоятни ўрганиш жараёнида аниқланишича, Президентимизнинг 2022 йил 17 майдаги тегишли фармонига асосан 2022 йил 16 июл кунги Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи қабул қилинган. Унда вазирлик тизимидаги барча турдаги бюджет муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тариф разрядларини тасдиқлаш белгиланган.

Алишер Усмонов ўзи фаолият кўрсатаётган тиббиёт муассасасига 2013 йилда техника хавфсизлиги бўйича муҳандис лавозимига ишга қабул қилинган. Аммо 2022 йилдан жорий этилган меҳнатга ҳақ тўлаш борасидаги янгилик унга татбиқ этилмаган. Бу эса ҳақли норозиликка сабаб бўлган.

Бу ҳолат шуни кўрсатадики, давлат идоралари ва фуқаролар ўртасидаги очиқ мулоқот тизими самара бермоқда. Энг муҳими, бундан кейин ҳам ҳеч бир мурожаат этибордан четда қолмайди – у ўрганилади, таҳлил қилинади ва ечим топилади.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

Касаба уюшмаси аралашгач...

31 МИЛЛИОН СЎМ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Ўтказилган ҳисоб-китоблар натижасида А.Усмоновга жами 31 298 339 сўм тўлаб берилиши зарурлиги аён бўлди.

Шунга қўра, Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Сирдарё вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори томонидан Сирдарё тумани соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи номига 2025 йил 28 октябрь кунги кўрсатма хати юборилди.

Кўп ўтмай, иш берувчидан жавоб хати келди. Унда шу йил 7 ноябрь кун А. Усмоновга 31 297 900 сўм пул тўлаб берилгани ва келгусида унга иш ҳақи оширилган ҳолда тўланиши маълум қилинди.

Абдурахим АЛБЕКОВ,
Соғлиқни сақлаш
ходимлари касба
уюшмаси Республика
кенгашининг Сирдарё
вилояти бўйича меҳнат
ҳуқуқ инспектори

Мурожаат ижобий ҳал қилинди

Сўнгги йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг юқори ташкилотларга тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имкониятлари анча кенгайди. Биргина 1211 рақамли «Ишонч телефони» орқали юзлаб инсонлар ўз муаммоларига ечим топмоқда.

Шундай мурожаатлардан бири яқинда Бухоро тумани Зармақ кўчасида яшовчи Зумрад Ражабова томонидан йўлланди. У сўнгги пайтларда юзага келган муаммолар бўйича Давлат раҳбари қабулига киришда амалий ёрдам сўраган.

Ўрганишлар жараёнида аниқланишича, мурожаатчи вилоят ҳо-


кими қабулхонаси орқали даволашни учун моддий ёрдам сўраган. Ҳокимлик у даволанаётган шифо масканига 6 миллион 500 минг сўм миқдорда маблағ ўтказиб бериб, масалани ижобий ҳал этди.

Бу ҳолат шуни кўрсатадики, давлат идоралари ва фуқаролар ўртасидаги очиқ мулоқот тизими самара бермоқда. Энг муҳими, бундан кейин ҳам ҳеч бир мурожаат этибордан четда қолмайди – у ўрганилади, таҳлил қилинади ва ечим топилади.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»



ИСКАНДАРНИНГ УЧАР
АСКАРЛАРИ
ростданам Шут қишлоғида
бўлишганми?



4-саҳифада ўқинг →

Мазкур қишлоқ
манзаралари акс этган
фоторепортаж билан
QR код орқали
танишинг.



www.ishonch.uz

www://

ishonch1991@yandex.uz



facebook.com/ishonchofficial.uz



https://t.me/ishonchuz_official



ҚАНЧА ШОНИНГ БЎЛСА –



1 Сирдарё – Ўрта Осиёдаги энг узун, Жайхундан кейинги энг серсув, энг меҳрибон ва айни маҳалда қаҳрли, сир-синоатларга лиммо-лим, тарихи ҳам ўзи сингари узун ва сирли, қачон ва қай замонлар пайдо бўлганини хали-хануз инсон зоти айтолмайдиган Энадарё умрида кўрмаган эди бундай мунаввар, бу қадар лолагун тонгларни.

Милоддан аввалги замонларда ҳам ҳайқириб оққан, қадим юнон тарихчилари асарларида Яксарт, Танаис, зардуштийларнинг муқаддас китоби Авестода Дану, Хитой манбаларида Йоша, Хашарт, руний ёзувларда Енчуўғиз, «Шохнома»да Гулзарриюн, араб солномаларида Сайхун, милоднинг биринчи асрида яшаган Рим тарихчиси Плиний ёзувларида Силис номи билан етти иқлимда донг таратган улуг дарё тошдай оғир ва тундай мубҳам ўйларга ботган эди асрлар давомида. Искандардан Чингизгача, араб истилосидан хоризм босқини-ю шўро талончиларининг зуғумларигача бошдан кечирган азим наҳр соҳилларида ҳеч қачон бўлмаган эди бундай камалакранг товланишлар.

Ўтмиши дарёдан ҳам қадимийроқ бўлган, тўзонлару тўфонлар ичида бовилқдай эшилиб, ниҳоят 1963 йилда вилоят сифатида ташкил топган бўлса ҳам, фароғат тоғмаган Сирдарёда 2016 йилга қадар пахта тозалаш, дон ва ёғ-мой корхоналаридан бошқа биронта sanoat иншооти йўқ эди-да, ахир! Йўқ эди, ҳатто тузукрок кўргон ҳам. Шундай ғариб ва кўримсиз эди шимолдан Қозоғистон Республикаси, шарқдан Тошкент вилояти, жанубдан Тожикистон Республикаси ва ғарбдан Жиззах вилоятига туташиб кетган, қарийб 4,3 минг километр майдонни эгалловчи кутлуғ маконнинг рангу рафтори.

Сўнгги 7-8 йилда асар ҳам қолмади машғум қуроқ манзаралардан. Ўзгарди. Тамомила ўзгариб кетди Ўзбекининг қадимий воҳаси. Илдири 3000 минг йилдан ҳам узоқ замонларга туташ Сирдарё заминига бобо кўёш бошқача нур соча бошлади гўё. Дарё хайратларга кўмилди, даштларида жийдалар гуллади, қизгалдоқлар хандон отди, бўтақўзлар солланиди қиргоғу соҳилларида.

Таниб бўлмай қолди Гулистон, Янгирер, Бахт, Ширин деган кўримсиз шаҳарларни. Осмонўпар бинолар, кўракм боғлар, йирик корхоналар пайдо бўлди. Минглаб sanoat, қишлоқ хўжалиги иншооти қурилди, кўллаб савдо ва бошқа тармоқларга доир минзиллар «қамшидан белни боғлаб», ишга тушди.

Мўъжизалар мўъжизаларга уланди, ажждолар ҳатто ҳаёл ҳам қилолмаган ишлар юз бераверди. «Сирдарёга инвестиция киритмайсизми?» десант, лабини жийирадиган дунёнинг бадавлат сармоядорлари миллион-миллион долларларни белбоққа тутиб, «Қайдасан, Сирдарё!» дея отга миндилар. Биргина Саудия Арабистонининг «ACWA Power» ва Туркиянинг «Cengiz Enerji» компаниялари 1,14 миллиард доллар олиб келди. Шу маблаг эвазига қуввати 1,7 минг МВт бўлган генерация фойдаланишга топширилди. Натижада қурилиш материаллари, кимё, озик-овқат соҳалари ривожланиб, вилоятда sanoat ҳажми 19,3 триллион сўмдан ошди.

Мақтабгача таълим ташкилотлари 2017 йилдаги 155 тадан 1 147 тага, умултаълим мактаблари 296 тадан 340 тага етди. Аҳолини марказлашган ичимлик сув билан таъминлаш даражаси 64 фозидан 88 фозигача ошди. 2 минг километр йўл таъ-

мирланди, пахта ҳосилдорлиги 18,4 центнердан 40 центнерга, ғалланики 47 центнердан 74 центнерга етди, фойдаланишдан чиққан 34 минг гектар майдон қайта ўзлаштирилди...

2 Шунча замонлар, давру давронлар ўтса ҳам, шу вақтгача нега ҳеч қандай силжиш бўлмаган эди улуг воҳада? Ахир ер ўша, сув ўша, чўл ўша, одамлар ўша-ўша эди-ку! Умуман, нима учун айрим мамлакатлар асрлар бўйи бийдай чўлга ўхшаб қақраб ётади-ю, баъзилари ёмғирдан кейинги гулзордай яшнаб кетади? Мана, мисол учун Жанубий Корея, Сингапур ёки Хитой. Бу давлатлар сўнгги 60, 70 йилда самовий шиддат билан юксалди. Жанубий Корея нафақат дунёдаги энг бой мамлакатларга тенглашди, балки Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг фахрли аъзолари қаторига кўшилди. Ёрдамга муҳтож давлатдан халқро ёрдам кўрсатувчи давлатга айланди. Жанубий Корея каби қоқоқ бўлган Бурунди, Гватемала эса... Хитой-чи? Булардан ҳам ғариброқ бўлган Хитой қандай қилиб дунёни дол қолдирмоқда? Жавоб оддий: Дэн Сяопин бошлаган ислохотлар! Бу инсон шахсининг жамият камолидаги ўрни нақадар бетимсол эканини ўзининг ақлу тафакқури билан исботлади. Дэн Сяопин томонидан 1970 йилларда илгари сурилган сиёсат иқтисодий қарақт гигантнинг озодликка чиқариб юборди. Мамлакатда бозор юритиш ечимлари қўллаб-қувватланди, тадбиркорликка кенг йўл очилди. Худди Президент Шавкат Мирзиёев иқтидорга келиши билан Ўзбекистон заминидида улугвор эврилишлар бошланди кетгани каби...

“Гарчанд Президентга мамлакатдаги аҳвол беш кўлдай аён бўлган эса-да, у киши халқ ишонч билдирган кунданок қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар юрди, яна ўранди, яна изланди, яна қийнади ширин жоини. Қайта-қайта борди вилоятларга, туманларга, қишлоқларга, овулларга. Ўн олти марта таширф буюрди Сирдарёнинг ўзига. Ўтар-қайтардаги тўхтаб ўтишлар бу ҳисобга кирмайди. Сон-саноксиз кашфиётларга асос солинди таширфлар жараёнида.

Шу ўринда кашфиёт иборасига озроқ изоҳ бериш лозим кўринади. Одатда кашфиёт деганда дарров илму фан оламида яратилган ихтиролар келади ҳаёлимизга. Қолаверса, оламда бир-биридан сирли, ўрганилмаган жумбоқлар, яратилмаган ихтиролар ҳали кўп. Фақат топиш керак уларни. Ҳамма гап шунда. Шундан бошланади энг чуқур жойларда беркиниб ёки кўмилиб ётган захираларни кашф этиш ҳам. Ичингда мудраб ётган имкониятларни уйғотиш ҳам ҳеч қайси кашфиётдан кам эмас аслида.

Тури сабабларга кўра, чанг-кум босган ёҳуд чала қолган соҳалар саноксиз эди Сирдарёда. Аммо кўмилган хазиналар қопқасини очиб, вилоятни мамлакат тараққиётида етакчи ҳудудлардан бирига айлантириш имкониятлари мўл эди. Уйғотиш, ишонтириш, янгилик яратишга чорлаш зарур эди одамларни. Тўққиз эмас, тўқсон марта ўлчаб, бир марта кесадиған шарқона ақл-идрок талаб қилинарди бундай пайтда карвон етакчисидан.

Худойим суйган бандасига муносиб кўради улуг салоҳиятни. «Эл бошига кун тушса, эл яратган эр келар» деган ҳикмат бежиз дунёга келмаган экан. Давлат раҳбари томонидан Ўзбекистон деган катта рўзгорнинг муаммолари ипидан игнасигача чуқур таҳлил қилинганидан кейин «Янги Ўзбекистон» дарёларининг бугунидан то Учинчи Ренессанс уммонига бориб қўйилишигача бўлган мукаммал дастур яратилди. Ҳар бир ҳудудда, жумладан, Сирдарёда ҳам нималарга эътибор қаратиш зарурлиги аниқ-тиниқ белгиланди. Бу режаларни амалга ошириш учун қанча куч, маблаг, инвестиция, ҳуллас, юртни қалқитиш учун нимаки керак бўлса, ҳамма-ҳаммаси аниқ-тиниқ ҳисоб-китоб қилинди.

Шу тарзда вилоят тарихи зарварақларида янги саҳифалар очила бошлади, янги ташаббуслар қанот чикарди. Қуюқ тумандан сўнг қуёш чарақлаб нур таратгани каби манзаралар юз бера бошлади Сирдарёда.

Биргина Ховос шаҳарчасидаги ўзгаришларнинг ўзи катта-катта дostonларга муносиб мавзу бўлади.

3 Тарихдан аёнки, Фарғона, Чоч ва Сўғда борадиган савдо йўлининг чоррахасида жойлаш-



гани туфайли Ховос кўрғони милотдан олдинги IV асрларда ҳам юксак мавжега эга бўлган. «Хавас қилса арзийдиган жой экан», деганлар Соҳибқирон бобоимиз Амир Темуր Ховосни. Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдураҳмон Жомий, Хожа Аҳром Валийларнинг излари бор бу қадим тупроқда. Афсуски, фахрланса арзигулик шундай манзил ҳам 7-8 йил аввал кўримсиз аҳволга тушиб қолган эди.

Президентиимиз 2019 йил 19 феврал кўни вилоятга таширфи чоғида Ховосга бориб, сўнгги эллик йил давомида биронта кўп қаватли уй тугул, ҳатто каптархона ҳам қурилмаган кўргон билан, эски, тор ва зах уйларда яшайётган одамларнинг турмуш тарзи билан танишади. Шу аснода шаҳарчанинг янги бош режаси тасдиқланиб, «Мирзачўл таърибаси» асосида бунёд этиладиган Янги Ховосга тамал тоши қўйилади. Кўргонча учун катта йўлнинг ўнг қанотидадан 42 гектар ҳудуд ажратилади. Лойихага мувофиқ, у ерда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг бинолари, Давлат хизматлари агентлиги, тижорат банклари, тураржойлар, мактаблар, истироҳат боғи, хотира майдони, кинотеатр, кутубхона, масжид, бозор, савдо маркази ва маиший хизмат шохобчалари қурилиб, йўл инфратузилмаси ривожлантирилиши, аҳоли ва транспорт учун қулайликлар яратилиши белгиланади.

Орадан уч ой ўтар-ўтмас, ўша йил 7 май кўни, Президент топириқларининг ижроси доирасида, Вазирлар Маҳкамасининг Ховос тумани марказини ривожлантиришга онд алоҳида қарори қабул қилинди. Шу тариқа 27 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган Ховос тарихида янги давр бошланди.

Беш ой ўтиб, 2019 йилнинг 18 июлида Президент яна Ховосга келди. Бу пайтда махсус ажратилган ҳудудда 760 та квартираддан иборат 30 та кўп қаватли ва 150 та бир қаватли уйларни қуриш ишлари жадал давом этаётган эди.

Бугун Ховосга қадами етган киши турнақа-

тор уйларда порлаб турган чироқларни, замонавий майдончаларда яйраб ўйнаётган болаларнинг шодон кулгиларини, санъат ва мусиқа мактаби томондан эшитилаётган дилбар оҳангларни, кафтдек текис йўлақларда суҳбатлашиб бораётган оқсоқолларнинг юз-кўзларидаги севинчларни кўриб, қалби қувончга тўлади.

4 Фақат Ховос эмас, Президент таширфлари вилоятнинг ҳамма туман ва шаҳарларида бир-биридан ҳавасли ўзгаришлар юз беришига асос бўлмоқда.

7-8 йил аввал кўп қаватли тураржой бинолари атрофини зах, ертўлаларини пашша-чивин босиб ётадиган Гулистон шаҳрининг «яра»лари ҳам ана шундай таширфлардан кейин тузалди. Кентда «Буюк келажак» мавзеси, «Гулистон сити» шаҳарчаси дунёга келди. Ўзбекистон ва Мустақиллик кўчалари оралигида маданий марказ барпо этилди, замонавий амфитеатр қурилди, улар атрофдаги маъмурий бинолар билан жозибали уйғунлик касб этди. Китоб дўкони олдида сўлим хиёбон барпо этилиб, Алишер Навоий хайкали ўрнатилди.

Янгирер шаҳрининг қайта бунёд этилишига эса Президентнинг 2017 йил 17 май-

Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида сирдарёлик сайловчилар билан бўлган учрашувида **«Мен қайси вазифада ишлашимдан қатъи назар, Сирдарёдан қадамин ҳам, кўнглим ҳам ҳеч қачон узилган эмас. Вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожига, мавжуд муаммоларни ечишга озми-кўпми ҳиссам қўшилаётган бўлса, мен буни ўзим учун катта бахт деб биламан»**, деган камтарона эътирофининг амалдаги исботи, эҳтимол, мана шулар бўлса керак.

5

Ҳеч эсимдан чиқмайди. 2023 йилнинг апрелида халқ депутатлари Сирдарё вилояти кенгазининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Мен ҳам иштирок этандим ўша мажлисда.

...Президент залга ҳар доимидек ўқтам қадамлар билан кириб келди. Авваллари турли йигинларда, учрашувларда Шавкат Мирзиёевни кўп кўрганман, албатта. Ўша кун, назаримда, нимадандир ташвишланаётгандек туюлди менга.

Бир оздан кейин Юртбошимизнинг ўзлари ошкор қилдилар – у кишини безовта қилган ташвиш Сирдарё кўчаларидаги қаровсизликлар экан.

“– Мен бугун Тошкентдан Гулистонгача поездда, темир йўл вокзалидан бугёига машинада келдим, – деди Президент. – Йўлларнинг ачинарли аҳволи қаттиқ ташвишга солди мени. Бундай йўлларда юрганлар дардини кимга айтади? Эътироз йўл қурилиш ва Транспорт вазирликларига қаратилган эди. Вазирларнинг жавоблари Президентимизни мутлақо қониқтирмади: – Бу йўлларда менинг ёшлигим ўтган, ҳар қадами менга таниш. Таалаблигимда Янгирердан Зомингача пийда кетганмиз. Ҳаммаёқ ўйдим-чуқур, чанг-лой бўлиб ётарди. Бугун ўтган аср эмас-ку! Қабул қилинган қарор бўйича бу йўлларни таъмирлаш икки йил аввал охирига етган бўлиши зарур эди.

Вазирлар ва тегишли масъуллар зиммасига вилоятдаги барча катта-кичик йўлу кўприкларни тузатиш чораларини кўриш вазифаси юклатилди.

– Тўғри, сўнгги 6 йилда Сирдарёда катта ўзгаришлар юз берди, – давом этди Президентимиз. **– 30 триллион сўм инвестиция жалб қилиниб, 6 минг 640 та янги корхона ишга туширилди. Бу орқали 55 мингта янги доимий иш ўрни яратилди. 17 мингта оила камбағалликдан чиқарилди. Тадбиркорлар сони 2 баравар кўпайиб, 7 мингдан 15 мингга етди. Умуман, Сирдарёда sanoat йўқдан бор бўлди, десак, бу ҳам ҳақиқат. Бу ерда илгари бўлмаган қурилиш материаллари, фармацевтика, чарм ва озик-овқат sanoati каби янги тармоқлар пайдо бўлди.**

Давлат раҳбари Сирдарёда ҳали фойдаланилмай ётган катта имкониятлар мавжудлигини таъкидлаганида, кўнглидаги ташвишлар янаам очикроқ аён бўлиб бораверди. Билмас эканман, Сирдарёда сув бошқа вилоятларга нисбатан сероб, экин майдонлари эса аҳоли жон бошига Хоразм ва Навоийга қараганда 2 баравар,



Оламда бугун



Исроил Мудофаа армияси (ЦАХАЛ) Ливаннинг жанубида жойлашган ҲАМАС Фаластин ҳаракатининг ҳарбий тайёргарлик марказига ҳаво зарбаси берди. Бу ҳақда ЦАХАЛ матбуот хизмати хабар қилди.

Исроил ҲАМАС ҳарбий тайёргарлик марказига зарба берди

«Бироз олдин ЦАХАЛ Ливаннинг жанубидаги Айн ал-Ҳилва ҳудудида ҲАМАСнинг ҳарбий тайёргарлик мажмуасида фаолият юритган террористларга зарба берди», дейилади хабарда.

Исроил томони маълумотида кўра, зарбага учраган объектдан Исроил ҳарбийларига қарши ҳужумларни режалаштириш ва тайёрлаш базаси сифатида фойдаланилган.

ЦАХАЛнинг таъкидлашича, зарба беришдан олдин барча эҳтиёт чоралари қўрилган: юқори аниқликдаги қурол ишлатилган ва тинч аҳоли хавфсизлигини таъминлаш учун қўшимча разведка маълумотлари тўпланган.

Туркия Арманистон билан муносабатларни тиклаш шартларини айтди

Туркия Арманистон ҳамда Озарбайжон ўртасида тинчлик шартномаси имзолангандан сўнг Ереван билан муносабатларини яхшилашга тайёр. Бу ҳақда Туркия ташқи ишлар вазири



Ҳоқон Фидан маҳаллий оммавий ахборот воситаларига маълум қилди. «Озарбайжон ва Арманистон тинчлик шартномасини имзолагач, биз Ереван билан муносабатларни қайта кўриб чиқамиз», деган ташқи сиёсат идораси раҳбари.

Фидан, шунингдек, Анкара Арманистон борасидаги позициясини бир неча бор баён этганини ва бу масалада собит қолишини таъкидлади.

Яхши фазилат ёлғиз бўлмайди, албатта, унинг қўшниси ҳам бўлади.
Конфуций

ВАТАННИ КЎТАР!



Самарқанд, Андижон, Фаргона ва Наманганга нисбатан 3 баравар кўп экан. Ҳосилдорлик-чи?.. Хораэмда галланинг ҳар гектарида 100-120 центнерлаб дон етиштириляпти. Сирдарёда эса унинг ярмичаям эмас. Фаргона водийсининг айрим қишлоқларида ердан тўрт мартагача ҳосил олинади. Сирдарёда эса бир марта, шуям чала-чулпа. Фарғоналиклар томоркаси тугул йўл ёқалари-ю, экин майдонларининг уватларигача бир қарични ҳам бўш қолдирмай узум, ошқовоқ, тарвуз, қовун, ҳеч бўлмаса, ялпизу райхон экади. Сирдарёда эса гектар-гектар майдонлар, катта-катта томорқалар йиллаб бўш ётади. Сабабини сўрасангиз, ерининг ёмонлигига тўнкашади. Лекин Президент қуюниб қайта-қайта таъкидлаганидек, қарамасанг, ҳайдамасанг, ўғит бермасанг, ариқ-зовурларни тозаламасанг, ер қандай қилиб яхши бўлади?

– Сирдарёни инновацион ҳудудга айлантирмасак, вилоятда ривожланиш бўлмайди. Биз вилоятга қайси давлат тажрибасини олиб келиш ҳақида кўп ўйладик ва охири Хитойда тўхтадик, – давом этди Президент. – Тан олиш керак, охириги йилларда Хитой саноат, қишлоқ хўжалиги, таълим ва тиббиётда мисли кўрилмаган ютуқларга эришди. Хитойнинг илм, инновация, муҳандислик, электротехника, раббототехника ва IT йўналишларида тажрибаси жуда катта. Энг асосийси, Хитой бизга транспорт-логистика жихатидан энг яқин йирик бозорлардан.

Ўша йилигишда Сирдарёни саноат, тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги, таълим ва тиббиёт бўйича «Илгор инновациялар худуди»га айлантириш зарурлиги, Инновацион ҳудудда вилоят ва туман раҳбарлари аҳоли ва тадбиркорларга шароит яратиш бўйича қандай чора-тадбирларни амалга ошириши зарурлиги ҳам аниқ-тиник кўрсатиб берилди.

Сирдарёнинг инновацион худудга нақадар муносиблигининг яна бир сабаби, Президент таҳлил қилиб берганидек, бу вилоят бир вақтнинг ўзига 2 та қўшни давлат – Қозоғистон ва Тожикистон билан қулай траспорт коридорига эгалити ҳамда мамлакатимизнинг энг йирик истеъмол бозори ҳисобланган Тошкент шаҳрига яқин жойлашганидир. Сирдарёдек инновацияни юксалтиришга ўнғай вилоят республикамизда йўқ. Қолаверса, яна бир яқин қўшнимиз бўлмиш Хитойда бир неча юз миллиард доллар



лик озиқ-овқат ва текстиль бозори мавжудки, бу ҳам вилоятда инновацияга эътиборни қучайтириш ва тезлаштириш шартлигини тақозо қилади.

Қўплаб савол-жавоблар ва топшириқлардан сўнг Президент Сирдарё аҳолиси фаровонлигини янада оширишга қаратилган 5 та янги ташаббусни эълон қилди. Нафақат вилоят, аynи чоғда, мамлакат боғларига ҳам мусавффо ҳаволар олиб киргувчи бу ташаббусларнинг ҳар бири аҳамиятига қўра, тарихийликка дахлдор эди.

Ана шундай янгилликлардан кейин кун тартибдаги ташкилий масалага ўтилди. Ўрни келганда таъкидлаш жоиз, Президент вилоятнинг аввалги раҳбари, ҳозир Президент маслаҳатчиси вазифасини бажараётган Ғофуржон Мирзаевнинг ҳокимлик фаолиятига юқори баҳо берди. «Мирзаев сизни ҳам тиндирмади, ўзиям тинмади, - деди Президент. – Энг муҳими, одамларда «бўлар экан-ку» деган ишонч уйғонди».

Сессия тугагач, Президент Гулистон шаҳридаги қарийб минг киши меҳнат қилаётган «Отонмедфарм» корхонаси фаолияти билан танишиб, шу ерда 6 та янги корхонани ишга тушириш маросимида иштирок этди. Кейин оташин шеърлари билан халқимиз кўнглидан «ҳақиқат ва адолат жарчиси» сифатида жой олган шоира Ҳалима Худойбердиева номдаги ижод мактабига борди.

...Мактабга кираверишда шоиранинг хайкали бор. Табиати жонида севган шоира лалакизгалдоқдан кўзикулоқча, бойчечакдан туятовонгача, янтоқдан саксовулгача чаппар уриб ётган Боёвут дашларига боқиб, тўя олмай, ҳавас билан тикилиб тургандай.

Президентимиз хайкал пойига гул қўяётганда шоиранинг:

Қон аслан ёруғлик. Ёруғлан, тиз чўк. Асл мард Ватанга тиз чўкиб ўтар. Қанча қонинг бўлса, Ватан учун тўк, Қанча қонинг бўлса – Ватанини кўтар! – деган хайқириғи шаҳру қишлоқлар оша дашту далаларда акс-садо бераётгандек туюлди.

Ўша куни давлат раҳбари ўқувчилар, муаллим ва зиёилилар билан дилдан қилинган самимий суҳбатларида «Мен Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ҳалима Худойбердиева билан худди ака-укалардек жуда қадрдон эдим», дедилар. «Бу ижодкорлар яратган асарларни қайта-қайта ўқийман, мутлолақ қиламан. Абдулла аканинг биргина «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» шеърини қаранг, қанча мазмун-маъно, ҳикмат, Ватанга муҳаббат бор шу битта шеърнинг моҳиятида. Бутун бизга ана шундай миллатпарвар шоирлар керак. Ҳозир ижод мактабини кўрдик. Бинолар гўзал, замонавий, ўқиб-ўрганиш учун ҳамма шароит мужассам. Энди мазмун ҳам шаклга муносиб бўлиши керак. Бундай даргоҳларда таълим олаётган ёшларнинг кўзлари ёниб туриши керак. Ватан учун, миллат учун, халқ учун куйиб-ёнадиган фидойилар керак бугун Ватанга», деган сўзлари ёшлар қалбига мангу муҳрланди.

Шавкат Мирзиёевнинг адабиётга, ижод аҳлига бўлган меҳру муҳаббати нақадар бепоён эканига яна бир қарра гувоҳ бўлдим ўша кунни. Карвонбошимизнинг сўзлари, орзу-истакларга йўғрилган тилаклари, Ватан ва Миллат келажагига бўлган меҳру муҳаббати ҳамон онгу шууримга нур сочиб тургандек туюлади. Фахру ифтихорга қўмиламан. Она диёримизни гўллаб-яшнашига доир тарихий ташаббусларидан қўнглим Туркистон тоғлари янглиг кўтарилиб кетаётгандек бўлади.

6

Уч йилдан зиёдроқ вақт ўтди ўшандан буён. Энди ундан буёғини айтар бўлсам, шу уч йилганада қилинган ишлар ҳам лофи билан уч асрда қилинганидан кам эмас. Санасанг санок, таърифласанг қозғ оз. Шул боис ўтаётган 2025 йилнинг ўзигада ва келгусидаги режаларга доир рақамларнинг айримларини тилга олиш билан чегараланамиз.

Марҳамат, ўқинг. Сирдарёликлар 2025 йилнинг биринчи ярим йиллигини барқарор иқтисодий ўсиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, аҳоли бандлиги ва ижтимоий ҳаётдаги ислохотлар билан қарши олдилар. Сўзда эмас, амалий ҳаракатда намоён бўлаётган бундай ютуқларни энг аввал солиқ тушум-

деганда яқинларгача ўт босган қаровсиз ҳовилар келарди одамнинг кўз олдига. «Янги Ўзбекистон» ислохотлари бу соҳага бўлган муносабатларни ҳам тамоман янгиллади. Аҳолида шахсий томорқадан фойдаланиш маданияти ўзгарди. Бу нафақат оила бандлигини таъминлади, балки қўшимча даромад манбаларини яратди.

Сайхунобод тумани «Ўзбекистон» маҳалласида яшовчи Камол Муҳаммадиев 2020 йилда 25 сотих майдонга Олтиариқ тажрибаси асосида узум экишни йўлга қўйиб, ўтган йилнинг ўзига 8 тонна маҳсулот олди. Совуткичда сақлаш орқали декабрь-январь ойларида 300-400 миллион сўм соф даромад эгасига айланди. Сирдарё тумани «Бахмал» маҳалласида истиқомат қилувчи Дилафруз Бойбўтаева 30 миллион сўм кредит олиб, 6 сотих ерда «Қора шаҳзода» навли атиреул қўчатлари етиштиришни йўлга қўйди. Бу йил у 30 минг дона атиреул сотиб, 60 миллион сўм даромад олди.

Бундай юзлаб мисоллар аҳолининг меҳнатсеварлиги, тадбиркорлик руҳи ва замонавий ёндашувларини намоён этмоқда. Мақсад – ҳар бир



фуқаро муносиб ҳаёт кечиришига, ҳар бир хонадон даромад манбаига эга бўлишига эришиш ва ҳар бир маҳаллани фаровонлик манзилига айлантиришдир.

Давлат раҳбарининг вилоятга кўрсатаётган алоҳида эътибори натижасида жорий йилнинг ўзига Сирдарё вилояти тараққиётига доир иккита муҳим ҳужжат – «Сирдарё вилоятида ишбилармонлик муҳити, инфратузилма ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасини янги ёндашувлар асосида ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорлари қабул қилингани эса вилоят иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётида янги босқични бошлаб берди. Мазкур ҳужжатлар асосида 1080 гектар ер майдони маҳсус саноат зоналарига ажратилди. Уларда жорий йил якунига қадар қиймати 2 миллиард доллар бўлган 62 та йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши режалаштирилган. Натижада 20 мингта янги иш ўрни яратилади.

Саноат инфратузилмасини ривожлантириш билан бирга худуддаги инвестиция муҳити фаллашди. Август ойдаги ўтказилган «Сирдарёда бизнес қилинг!» инвестиция форумида Россия, Хитой, Қозоғистон, Венгрия ва Тожикистон элчихоналари вакиллари, 10 та ҳамкор худуд ва 200 га яқин хорижий инвесторлар, шунингдек, 600 дан ортиқ маҳаллий тадбиркорлар иштирок этдилар.

Ичимлик сув ва оқова сув тизимини яхшилаш вилоятдаги энг оғир масала эди. Муаммони ҳал қилиш учун барча давлат дастурлари доирасида 161,6 километр ичимлик сув, 36,5 километр оқова сув тармоқлари ва 94 та сув иншоотини қуриш ҳамда реконструкция қилиш белгиланганди. Бугунги кунда 134,4 километр ичимлик, 52 километр оқова сув тармоқлари ва 52 та сув иншоотида амалий ишлар қилиб бажарилиди.

Илгари кунига фақат 9 соат сув бериладиган Гулистон шаҳрини 24 соат узлуксиз ичимлик



Абдусайд КҶЧИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзоси,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган ёшлар
мурабийси

сув билан таъминлаш мақсадида Президент қарори билан 35 миллиард сўм ажратилди, 64 километр сув тармоқлари тортилди ва 2 та сув иншооти реконструкция қилинди. Яқин кунларда Гулистон ва атроф туманлар тўлиқ сув билан таъминланади.

Гулистон шахри қаторида Боёвут туманининг «Қаропчи» ва «Янги авлод», Гулистон туманининг «Зарбдор», «Ишонч» ва «Мевазор» маҳаллалари ҳам узлуксиз ичимлик сув билан таъминланади. Ховос ва Боёвут туманларида эса 32 минг нафар аҳолининг 35 йиллик орзуси ушалди. У ерларга илк бор «Зомин сув» марказлашган тизими орқали обихаёт етиб келди.

Гулистон шаҳридаги 51 та кўп қаватли уйнинг 1 173 та хонадони канализация тизимига уланди. Маҳаллий бюджет ҳисобидан ажратилган 1 миллиард сўм маблағ воситасида Гулистон ва Янгиер шаҳарлари ҳамда Оқолтин ва Сайхунобод туманларидаги 81 та кўп қаватли уйнинг ерғула қисмидаги оқова сув тизимлари янгиланди. Ҳозир Гулистон шаҳридаги Шимолӣ сув иншоотидан Янгиер шаҳригача катта ҳажмда 33 километр сув тармоғи қурилмоқда.

Аҳолини доимий электр ва газ билан таъминлаш йўлида бажарилган ишлар бундан-да зиёд. 6-7 ой орасида узунлиги 151 километр бўлган янги электр тармоқлари қурилди. Ховос туманидаги 30 йил давомида қаралмаган «Пахтакор», «Қаҳрамон», «Бўстон», «Ўзбекистон тўқинчилиги» ва «Обод турмуш» маҳаллаларида 16 километр электр узатиш тармоғи тўлиқ янгиланди.

Вилоят миқёсида 858 километр электр тармоқлари ва 334 та трансформатор мукамал таъмирланди. 30 та маҳаллада 25 минг аҳолининг турмуш шароити яхшиланди. Муҳими, 28 миллион куб метр табиий газ тежалди. Бу нафақат иқтисодий, балки экологик самарадорлик ҳамдир.

Йўлнинг равон бўлмаса, овулингга қуш ҳам учиб келмайди. Абгор ахволдаги 300 километр йўл 6 ой ичида тузатилиб, асфальтланди. Яна 36 километр ички йўлга шағал тўшалди. 78 та маҳаллада 300 мингдан зиёд аҳоли учун қулай ҳаракатланиш имконияти яратилди. Сайхунобод туманининг «Ўрикзор» маҳалласида 35-40 йилдан буён ўйдим-чуқур бўлиб ётган йўллар илк бор асфальт-бетон билан қопланди.

Йил якунига қадар вилоятда яна 376 километр йўл, жумладан, 356 километр ички йўл ва 3 та кўприк таъмирланиши режалаштирилган.

...«Яна-яна»ларни яна ва яна давом эттириш мумкин. Ютуқлар оз эмас. Сирдарёни обод қилиш учун бир тану бир жон бўлиб, тер тўқаётганларнинг шиддат-шижоати эса ҳаммасидан баланд, ҳаммасидан ҳавасли. Шундай лаҳзаларда, беихтиёр яна оташқалб, дилбар шоира опамиз Ҳалимахошим Худойбердиеванинг:

– **Қанча қонинг бўлса – Ватанини кўтар!** – деган хайқириғи шаҳру қишлоқлар оша дашту далаларда акс-садо бераётгандек туюлаверади. Ва сен ҳам қандай қилиб шоиранинг даъватларига қўшилиб кетганингни сезмай қоласан: – **Қанча қонинг бўлса – Ватанини кўтар!**

Фаластин БМТда тан олинса, Исроил куч билан жавоб қайтаради

Исроил миллий хавфсизлик вазири Итамар Бен-Гвир Фаластиннинг БМТда тан олиниши Тель-Авив томонидан қатъий ҳарбий жавоб қайтаришга сабаб бўлиши кенраклигини билдирди. Унинг ушбу баёноти сиёсатчининг Telegram каналида эълон қилинган.

Бен-Гвир БМТ Хавфсизлик кенгашида «Фаластин давлати йўли»га оид ташаббуснинг муҳокама-сини қаттиқ танқид остига олди. Унинг фикрича, бундай давлатчилик Исроил хавфсизлигига таҳдид солади, чунки ҳозирги Фаластин маъмурияти раҳбарияти «террорчи гуруҳлар фаолияти билан боғлиқ».

Вазирнинг таъкидла-шича, агар БМТда ушбу ташаббус қўлаб-қувват-ланса, Исроил қаттиқ чора қўриши шарт.

«Агар улар Фаластин террорчи давлатини тан олиш жараёнини тезла-штира-са БМТ Фала-стин тан олса, Фаластин маъмуриятининг юқори мартабали амалдорла-

рини мақсадли йўқ қилиш ҳақида буйруқ бериш, шу-нингдек, Абу Мазен (Фала-стин президенти Махмуд Аббос)ни ҳибсга олиш ке-рак. Унга Кезиот қамқоқчо-насида камера тайёр», де-ган у.

Ҳозирги кунда Фала-стин мустақиллигини 150 дан ортиқ давлат тан олган. Сентябрь ойда Франция, Португалия, Буюк Брита-ния, Канада ва Австралия ҳам ушбу рўйхатга қўшил-ган. Исроил эса анъанавий тарзда Фаластин давла-тининг барпо этилишига қарши чиқиб келади.



Украина пре-зиденти идо-раси раҳбари Андрей Ермак Украинанинг Буюк Брита-ниядаги эл-чиси Вале-рий Залуж-ний билан учрашиш учун Лондонга келди. Бу ҳақда Укра-инанинг «Ба-бель» наشري икки манбага таяниб хабар бермоқда.



Ермак Лондонда

Ташриф мақсади ошкор этилмаган. Сафар Украина раҳ-барияти атрофида юз берган коррупциявий можародан сўнг Олий Радада Ермакни истеъфога чиқариш қақирилари ян-раётган бир пайтда амалга ошмоқда.

Рада депутати Ярослав Железняк ижтимоий тармоқларда Ермак Залужнийга Президент идораси раҳбари лавозимини ёки Украина Бош вазири мансабини таклиф қилиши мумкин-лигини тахмин қилмоқда.

Оламгир ОТАЁРОВ тайёрлади

